*Яхши ишларингга тўлсин бу жаҳон,*
*Номинг ер юзида қолсин кўп замон.*

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

# ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРАЙ ДЕСАНГИЗ

Саховат!

Қандай пурхикмат сўз. Киши етуклиги, инсонийлиги даражасини белгиловчи мезонларнинг энг муҳими. Азал-азалдан халқимиз ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатган, ногиронларни қўллаб-қувватлаган, етим-есирлар бошини меҳр ила силаган, бағрига босган, кучдан қолган, қувватдан кетган кексалар кўнглини овлаган, улар ҳурматини жойига қўйишни, иссиқ-совуғидан, ётар-туришидан хабардор бўлиб туришни мусулмон киши учун ҳам қарз, ҳам фарз санаган. Муқаддас китобларимизда, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўгитларда уқтирилганидек, саховат йўлида муҳтож кишиларга сарф қилувчилар учун бериладиган савоб гўё бир дона буғдой ўзидан етти бошоқ ундириб чиқарганда, ҳар бир бошоқда юздадан буғдой донига кўпайгани каби қилинган садақа учун етти юз баробар савоб ёзилади. Қаранг, ёрдамга муҳтожларга кўрсатилган саховат шу қадар улуғланган.

Ўтмишдаги алломаларимиз кишиларни саховатга ундабгина қолмай, балки аввало ўзлари бу борада элга намуна кўрсатганлар. Улуғ Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Замондошлари Давлат шох Самарқандий ва Хондамирнинг гувоҳлик беришларича, хазрат мурувват кўрсатишда хайрон қоларлик даражада бағри кенглик кўрсатган. Мамлакат султони бўлмиш Ҳусайн Бойқаро Навоийга йўллаган мактубларида "Давлатнинг буюк кишиси,хайрли ишларнинг асосчиси..." деган сўзлар билан бошлаганлиги ҳам бежиз эмас. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: "Шохи ғарибон", яъни ғариблар, ёлғизлар, фуқаролар шохи.

Навоий ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келадиган даромадларни тўлалигича хайрия ишларига сарфлар экан. У адибларга, ҳунармандларга, санъаткорларга доимо ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келган. Биргина Хирот шаҳрининг ўзида жамғармаси ҳисобидан қанчадан қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Анжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиблар ҳамда доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қуриб, ундаги меҳмонхонада камбағал фуқароларни текин овқат билан таъминлаган. Муҳтож кишиларга ўн икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатилган. Бундан ташқари канал қаздириб, Машхад шаҳрига сув келтирган.

Беназир аллома Хўжа Аҳрор Валийнинг фуқароларга, ёрдамга муҳтож кишиларга нисбатан кўрсатган саховат ҳарорати неча асрлар вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳамон кишилар дилида тафти сезилиб турибди. Бир сафар у зоти олий Тошкент аҳолисига тушган солиқни ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Рамазон ойида у кишининг кўрсатмасига асосан бева-бечоралар учун ҳар куни 7 та қўй сўйилиб, овқат пиширилар, 700 та нон ёпилиб, муҳтожларга улашиларди.

Халқимиз авлодлардан мерос бўлиб келаётган ана шу энг яхши фазилатларни асраб-авайлаб сақлаб келмоқда. Тошкент нон шаҳри деб ном олган 20-йиллардаги Волга бўйида юз берган очарчилик даврини эслайлик. Неча минг-минглаб оч-яланғоч кишилар ҳаётини сақлаб қолди ўшанда халқимиз. Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврини эслайлик. Душман босиб олган ерлардан кўчирилган юз минглаб кишилар юртимизда бошпана топдилар. Халқимизнинг бу тенгсиз жасорати ўзбекнинг ҳиммати, саховатпешалигини бутун дунёга ҳар қандай сўзларга қараганда ҳам яққолроқ кўрсатди.

Шукрлар бўлсинки, юртимиз мустақилликка эришгач, умуминсоний қадриятларимиз янада чуқурроқ илдиз отяпти. Меҳр-оқибат, мурувват хислатлари кишиларимиз қалбида палак ёзяпти. Шундай одамлар борки кишиларга нафи тегмаган кунни умрларига қўшмайди. Уларнинг руҳияти ўзи шундай, еганлари ичига тушмайди, чайнаганларини ютолмайди. Қаранг, қувасойлик тадбиркор Набижон Маҳмудов шахсий маблағи ҳисобига мактаб қуриб берди. Пойариқлик уруш ва меҳнат фахрийси Баҳром Саматов умр бўйи йиққан жамғармаси ҳисобига ҳамқишлоқлари учун кутубхона барпо этди. Нукуслик Оллониёз Ўтаниёз кўп болали оилаларга ҳамда ногиронларга уй қуриб берди. Бойсунлик Қурбон Амирқулов ўз ҳисобидан туманга газ келтиряпти. Андижоннинг Хакон қишлоғилик Халил ота ўз жамғармасини 50 ўринли боғча қурилишига сарфлади.

Яқинда Бахмал, Жиззах, Пахтакор туманларидаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва мактаб ўқувчиларига умумий қиймати бир миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан кўрсатилган бу саховат рўйхатида энг зарур дори-дармонлар, озиқ-овқатлар билан бирга ўйрўзғор ашёлари, ошхона жиҳозлари ҳам бор эди. Бу хайрли ишларга ҳомийлик қилган Бўстонлиқ туманидаги "Коника" қўшма корхонаси, Янгийўлдаги У. Юсупов номли комбинат, "Жиззах-балиқ", "Сайхонсут", "Оникс" акциядорлик жамиятлари жамоаси, ҳеч шубҳасиз, кўп савобга қолдилар.

Мустақилликка эришганимиздан бери қўлга киритган ютуқларимиз улкан. Бунга эндиликда чет элликлар ҳам тан бермоқда. Лекин айни пайтда муаммолар ҳам бор. Яшириб нима қиламиз, соғлиқни сақлаш, маориф тизимининг бугунги ахволи ночор, ичимлик суви, газ билан таъминлаш масаласи ҳам тўла ҳал бўлмаган. Булар ҳақида Йўлбошчимиз яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида батафсил тўхтаб ўтдилар.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларидан бирида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эдилар: **"Мен ҳозирги қийин шароитда, айниқса, қишлоқлардаги ўқитувчиларга, тиббиёт ходимларига, маданият ўчоқларига ва уларнинг ходимларига ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Токи бу ёрдам халқ ва жамият ёрдами, ҳар бир маҳалла, тадбиркорлик тузилмаси ва меҳнат жамоаси ёрдами бўлсин".**

Президентимиз даъватига жавобан кўп иш қилиняпти. Лекин қилинадиган ишлар кўлами янада катта. Ҳозирги ёшлар юртимизнинг эртанги кун эгалари эканлигини эътиборга олсак, фақат мактаб биноларини қуришни эмас, айни пайтда уларда спорт заллари, компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар бўлиши тўғрисида қайғуришимиз зарур.

Бу ҳолат юртимизнинг ҳар бир фуқаросини, аввало имконияти бор сармоядорлар ва тадбиркорларни ўйлатиб қўйиши даркор. Кўраётган даромадларининг бир қисмини элга қайишиб, юқорида айтилган муаммоларни ҳал этишга сарфласалар юкимиз анча енгил бўларди. Давлатимиз ишбилармонлар сафини кенгайтириш учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Зеро, улар қанча кўпайса, юртимиз шунча обод бўлади. Уларнинг топаётган фойдалари ҳалоллари бўлсин, ўзларига, бола-чақаларига, яхши кунларига буюрсин. Лекин қўш қаватли шохона қасрлар қураётган, қўша-қўша «иномарка»лар олаётган, ном чиқарга сохта шуҳрат учун дабдабали тўй қилаётганларни кўрган халқ тилида бўлмаса ҳам дилида "шу исрофгарчиликлар ўрнига, бироз тежамкорлик қилиб, ортган маблағни эл корига яратсалар, қандай савоб иш бўлур эди", деган ният ўтади. Ҳа, тўғрида, ўринсиз совриладиган миллионларга ачинади киши. Улар ҳисобига қанчадан-қанча юртнинг кемтик ишлари битарди. Алломамиз айтмиш: саховатли кишининг ҳар икки дунёси саодатли бўлғай. Зеро, Аллоҳ ночор, қийналган одамга яхшилик қилганни яхши кўради. Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида шундай сўзлар бор: "Жаннатнинг калити камбағалбечораларни яхши кўрмоқликдадир".

Азал-азалдан кишининг эл аро обрў-эътибори қанча бойлиги борлиги билан эмас, балки юртига, элатдошларига қанчалик қайишиши билан ҳам белгиланган. Ўйланиб қолади киши, ишлари юришиб, мўмай фойда кўраётган тадбиркорлар туман ва хўжаликлар раҳбарлари қатори юқорида айтилган ҳолатларга жилла қурса маънавий жиҳатдан жавобгар эмасмидилар? Шунча муаммолар мана мен деб турган бир пайтда бойликларни сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйилса, назаримда, инсофдан бўлмаса керак. Ош-нонга муҳтож бўлмаганларга ҳаддан ташқари дабдабали дастурхон ёзган савобми ёки элга нима зарур, халқ нимага муҳтож ҳозирги пайтда деб қайғуришми? Тўй ва маърака аслини олганда эҳсон қилмоқ ниятида ўтказилади. Кишиларга мурувват кўрсатмоқчи бўлаётганларнинг ҳаммасини ҳам саховатли деб бўлмайди, чунки бунда ўша айтилган кишиларнинг эҳсонга қанчалик муҳтож эканлиги эътиборга олинмайди. Хазрат Навоий тили билан айтганда "тўқ одамнинг олдига дастурхон ёзадилар, эгни бут одамга эса тўн кийгазадилар. Юзта йилқиси бор одамга от тортиқ қиладилар... Улар қақраб ётган боғнинг устидан ёғмай ўтиб, ёмғирни тоққа тўккан булутга ўхшайдилар".

Кўнгли ярим кимсанинг кўнглини олмоқликни қирқ қулни озод этиш билан тенглаштирганлар аждодларимиз. Айтмоқчимизки, савоб ишларга енг шимарсак қандай яхши бўларди. Эзгуликдан зўрроқ садақа йўқ. Садақа эса балони даф этувчидир. Тўй-ҳашам ва маъракаларни ўтказишни тартибга келтириш тўғрисидаги Фармонда шуҳратпарастлик, исрофгарчилик қораланиб, ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларни халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар-жойларни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилишга даъват этилмоқда. Шундай олийжаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттиришлари мумкин.

Эҳсон йўлини ўзингизга шиор этинг. Билинг, Каъбанинг ҳам қадри кўнгилчалик эмас. Худонинг сизга иноят этгани шуки, сиз сармоядорсиз, мулкдорсиз. Лекин айни пайтда сиз ҳам бошқалар қатори ожиз банда эканлингизни унутманг. Ақлий етукликда, ҳунармандликда, инсоф ва диёнатда сиздан устун бўлганлар кам эмас. Бас, сизга яратган эгам шундай имтиёз — бойлик ва мулк берган экан, оёғингиз ердан узилмасин, ўзингиз элдан ажраманг. Саховат кўрсатмоқлик, эҳсон бермоқлик худо буйруқларидан биридир, каминанинг фикри ожизича, ўша буйруқлари орасидаги энг муҳими деб билурман. Огоҳ бўлинг, тутаётган ишингизни унинг дастурларига қиёслаб туринг. Қилган яхши амалларингиз машҳар куни сизнинг энг ишончли ҳимоячиларингиздир. Унутманг, биродор, умр вафосиздир, давлат ва мартаба ҳам бақосиздир.

Саховатли киши қалбини қуёшга ўхшатадилар. Ҳақ гап. Шу қуёш тафтидан меҳрга ташналар баҳра оладилар, булутли кунлар ёришади, ишонч, иймон, эътиқод мустаҳкамланади, ҳаёт жозибаси ортади. Шундай кишилар туфайли эзгулик бор, яхшилик бор. Ўткинчи дунёда кишидан яхши ном қолсин. Яқинларингизга, атрофдаги ёрдамга, меҳрга муҳтож кишиларга қалб тафтингизни дариғ тутманг.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

«КЕЙС» МАРКАЗИ БУЮРТМАСИ

## ЖИЗЗАХ РУСУМИ БИЛАН

«Жиззахтранс» акциядорлик жамияти цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий шароитга мос техникалар, грейдер пичоқлари, бетонқорғич, керамзит-блок ғишт қуйиш мосламалари, кенг кўламдаги халқ истеъмоли моллари бугун нафақат вилоятда, балки унинг ташқарисида ҳам ўз харидорларини топди.

Бунга заводнинг Янгийўл шаҳридаги машина-трактор синаш станциясида ҳар йили ўтказилаётган республика кўргазмаси доимий иштирокчисига айлангани сабаб бўлди.

Завод маъмурияти бу йилги кўргазмада қишлоқ хўжалик машиналари учун зарур қисмлар тайёрлаш бўйича кўплаб буюртма олди. Улардан энг ноёби «Кейс» маркази буюртмаси бўлди. Тез кунда ана шу хориж ғалла ўриш комбайнларига Жиззах русуми билан «планка»лар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Оролбўйи минтақасидаги оғир экологик вазият ҳеч кимга сир эмас. Ернинг шўрланиш даражаси юқорилиги қишлоқ хўжалигига ҳам ўз таъсирини ўтказаётир.

Беруний туманида ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилашнинг самарали усули топилди. «Гидромеханизация» кўчма механизациялашган колоннаси мутахассислари юқори қувватли сув тортиш ва ер қазиш мосламалари ёрдамида Аёзқалъа ва Элликқалъа сув ҳавзаларининг коллектор-дренажларини тозалашга киришдилар. Бу эса ўз навбатида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб келади. Демак, келгуси йилда Қорақалпоғистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари мўл бўлади.

**СУРАТДА: «Гидромеханизация» кўчма механизациялашган колоннасининг илғор ишчиси Тўхтабой Қурбонбоев ўз ишининг билимдони.**

**А. МУРОТОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**




